

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«ФАРГОНА ХҮДУДИЙ ЭЛЕКТР  
ТАРМОКЛАРИ КОРХОНАСИ» АЖ



2022й

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

## ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Фаргона – 2022

## **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1.1. Танлов предмети: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.11.2022й. кунги ПК-408 сонли карори ижроси бўйича маҳалла шароитини яхшилаш мақсадида Учкўприк т. Олмурод МФЙ худудида электр курилиш монтаж ишларини бажариш учун Атроф мухитга таъсири тўғрисида ариза (АТТА) лойиҳасини бажариш хизмати.

1.2. Танлов қиймати 1 900 000 (Бир миллион тўқкиз юз минг) сўм.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чикқан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил охиригача.

1.4. Ишларни бошлаш муддати–аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

**2.1. «ФАРГОНА ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОКЛАРИ КОРХОНАСИ» АЖ** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Фаргона шаҳар Кувасой куча 74-а уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов **«ФАРГОНА ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОКЛАРИ КОРХОНАСИ» АЖ** “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишига ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга кўйидаги молиявий ҳамда малакавий талаблар қўйилиб таклифлар қўйидаги баллар асосида 10 баллик тизим билан баҳоланади.

**A)** Молиявий фаолият бўйича. (Бухгалтерия баланси – Молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот -2021 йил ва 2022 йил 1 ярим йиллик якуни бўйича учун солик органларига топширилганлиги бўйича тасдиқланган холатда Кафолат хати.

**Б)** Ишчи ходимлари тўғрисида маълумоти.

Ишчи ходимларини тасдиқланган рўйхати

Мехнат ресурслари базаси **my.mehnat.uz** билан интеграция қилинган ишчи ходимларининг тасдиқланган маълумоти.

**В)** Корхона тўғрисида умумий маълумот.

Рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувохнома, корхона низоми.

Якуний бенефециар тўғрисида тасдиқланган маълумот.

**Г)** Иш тажрибаси.

Соҳага оид бажарилган ишларнинг тасдиқланган рўйхати.

**Д)** Каррупцияга қарши курашиш бўйича ариза.

Танлов иштирокчилари каррупцияга қарши курашиш бўйича аризани тасдиқланган холатда “Фаргона ХЭТК” АЖ танлов комиссиясига электрон холатда тақдим этишлари шарт.

3.3. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим: Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

• Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.3. Қўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

• Техник хужжатлар 3.2. банд бўйича тасдиқланган хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки шунга ўхшаш 3.2. бандда талаб этилган бошқа хужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.4. Танлов иштирокчиси:

-факат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳақконийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) тавсифини ўзгартиришга йўл қўйилмайди, бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичida давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирmasлиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан электрон имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичida маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичida танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

ЛСХТБ бошлиғи:

И.Солнев